

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 810-ҳадис

810 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَيْنَمَا رَجُلٌ يُصَلِّي مُسْبِلٌ إِزَارَهُ قَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَذْهَبَ فَتَوَضَّأُ» فَذَهَبَ فَتَوَضَّأَ، ثُمَّ جَاءَ، فَقَالَ: «أَذْهَبَ فَتَوَضَّأُ» فَقَالَ لَهُ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ مَا لَكَ أَمَرْتَهُ أَنْ يَتَوَضَّأَ ثُمَّ سَكَتَ عَنْهُ؟ قَالَ: «إِنَّهُ كَانَ يُصَلِّي وَهُوَ مُسْبِلٌ إِزَارَهُ، إِنَّ اللَّهَ لَا يَقْبَلُ صَلَاةَ رَجُلٍ مُسْبِلٍ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِإِسْنَادٍ صَحِيحٍ عَلَى شَرْطِ مُسْلِمٍ [638].

810. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши изорини (тўпиғидан пастгача) осилтириб намоз ўқиётган эди, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга: «**Бор, таҳорат қилиб кел**», дедилар. У бориб, таҳорат қилиб келган эди, у зот яна: «**Бор, таҳорат қилиб кел**», дедилар. Шунда бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули! Сизга нима бўлди, уни таҳорат қилишга буюрдингиз, кейин эса индамадингиз?» деди. У зот: «**У изорини (тўпиғидан пастгача) осилтириб намоз ўқиётган эди. Аллоҳ изорини (тўпиғидан пастгача) осилтириб олган кишининг намозини қабул қилмайди**», дедилар».

*Абу Довуд саҳиҳ иснод билан ривоят қилиб, имом Муслимнинг шартига биноан саҳиҳдир, дедилар.*

**Шарҳ:** Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам у кишига иштонини осилтириб оттирган гуноҳига, каффорот бўлиши учун, таҳоратини янгилаб келишни буюрдилар. Чунки ҳадисларда келишича таҳорат гуноҳларга каффоратдир.

«Изор» иссиқ ўлкаларга хос кийим бўлиб, тананинг киндигидан паст томонига тутилиб олинандиган узун матодан иборат бўлади. Изорни судраб юриш ҳам арабларда кибру ҳавонинг бир тури бўлган.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам изорини осилтириб, ерга судраб намоз ўқиётган бир одамни кўриб қоладилар. Шунда унга «бор, таҳорат қилиб кел», дейдилар. У бориб таҳорат қилиб келади. Кейин яна унга, бор, таҳорат қилиб кел, дейдилар. У яна бориб таҳорат қилиб келади. Ана шунда бир одам:

«Эй Аллоҳнинг Расули, уни таҳорат қилиб келишга икки марта амр қилдингиз?» дейди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шунда шу ҳадисни марҳамат қилганлар.

Демак, намозхон одам фахр, кибру ҳаво ила кийимини осилтирмаслиги ва шунга ўхшаш бошқа ишларни қилмаслиги керак. Аксинча, ўзини хокисор тутган ҳолда намоз ўқиши лозим.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI